

Саҳарлик қилиш ният ўрнига ўтадимми?



06:00 / 08.04.2023 3035

Бир киши ҳар куни рўза тутадиган бўлиб саҳарлик қилса, тили билан ҳам дили билан ҳам рўзани ният қилмаса саҳарлик қилишлиги ният ўрнига ўтади. Лекин саҳарлик қилаётган вақтда рўза тутмасликни ният қилса ёки одати ҳар куни ўша вақтда таомланишлик бўлса ёки ҳаммадек саҳарликка туриб рўза тутмайдиган киши бўлса, унинг саҳарлик қилиши ният ўрнига ўтмайди. Саҳарлик ниятнинг ўрнига ўтишлиги Рамазоннинг рўзаси, тайин қилинган назрда ва нафл рўзалардадир. Бундан бошқаларда эса саҳарлик билан биргаликда қайси рўзани тутаетганлигини дил билан ният қилиши зарурдир. Кечанинг аввалида «саҳарликка тураман» деб ният қилиниши рўзани ниятининг ўрнига ўтмайди. (Умдатул-Фикҳ).

﴿يَنْوِئَانِضَمَّ رَزَهْشَ يَفُ رُوْحُ سَلَا ف﴾

Рамазон ойида саҳарликка туришнинг ўзи ният ҳисобланади.

Жавҳаротун-Найироҳ